

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва
монтажи(турлари бўйича) бакалавриат таълим йўналишининг малака
талаблари*

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент архитектура-қурилиш институти;
- “ТошкентбошпланЛИТИ” ДУК
- МЧЖ “Magnum Gas Project”

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18» 08 даги 358 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи(турлари бўйича)</i> бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи.....	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи(турлари бўйича)</i> таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи(турлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи.....	4
1.2.1.	<i>60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи(турлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи(турлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	<i>60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи(турлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	6
1.2.4.	<i>60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи(турлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	6
2.	<i>60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи(турлари бўйича)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
2.3.	Касбий квалификациялар.....	8
	Библиографик маълумотлар.....	8
	Келишув варағи.....	9

1. 60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи(турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий таснифи

60730400 - Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи(турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. 60730400-Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи(турлари бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60730400 - *Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи(турлари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60730400-Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятлари тавсифи.

1.2.1. 60730400-Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60730400-Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича) - муҳандислик коммуникациялари қурилиши соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб ўз ичига саноат, жамоат, турар-жой объектларини иссиқлик билан таъминлаш, газ таъминоти, вентиляция ва ҳавосинсини кондициялаш, сув билан таъминлаш ва оқова сувларини оқизиш тизимларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, қайта тиклаш, муҳандислик коммуникация қурилиши ва монтажи соҳасини ривожлантиришга, истиқболлини белгилашга, техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашнинг самарали жараёнларини таъминлашга йўналтирилган усуллари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60730400-Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажси (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар;
- муҳандислик коммуникациялари соҳа ва тармоқларида ташкилот, корхона ва муассасалар самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш жараёнлари;
- муҳандислик коммуникацияларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиши билан шуғулланувчи ташкилотлар, коммунал хизмат кўрсатадиган барча вилоят, шаҳар ва туман корхоналари,
- табиатни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи муассасалари.

1.2.3. 60730400-Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажси (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- лойиҳавий-конструкторлик.

1.2.4. 60730400-Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажси (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари:

60730400-Муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажси (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ балаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- қурилиш объектларида уста (мастер), иш юритувчи (прораб) бўлиб ишлаш, қурилиш ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини бажариш ва маромига етказиш;
- турли қурилиш объектларида сув таъминоти ва канализация тизимларининг айрим технологик жараёнларнинг ҳисобий-технологик хариталарини тузиш ва қўллаш;
- қурилишда қўлланиладиган муҳандислик коммуникация материаллари ва ускуналарининг сифатини назорат қилиш;
- муҳандислик коммуникация тизимларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш соҳаларида намунавий технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;
- муҳандислик коммуникация тизимларини қурилиши ва тизимлардан фойдаланиш жараёнларида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;
- турар-жой, жамоат ва саноат бинолари қурилишида технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;
- турар-жой, жамоат ва саноат биноларининг муҳандислик коммуникацияларида техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- турар-жой, жамоат ва саноат биноларини муҳандислик коммуникация тизимлари ва жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қоидалари ва технологиясини билиши;
- технологик таъминлаш жиҳозлари, ускуналари ва воситаларни синов текшириши усулларини эгаллаган бўлиши;
- турар-жой, жамоат ва саноат биноларининг сув таъминоти ва канализация тизимлари ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини текшириш ва қолдиқ ресурсини баҳолаш усулларини эгаллаган бўлиши;

- муҳандислик коммуникация тизимлари қурилиши ва монтажи соҳалари корхона ва ташкилотларга объектларни қуриш-таъмирлаш ишларини ташкил этиш бўйича хизмат кўрсатиш;

- муҳандислик коммуникация тизимлари ва жиҳозларини монтаж қилиш, сошлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш бўйича хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- соҳа қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;

- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;

- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;

- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;

- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда муҳандислик коммуникациялари соҳалари бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

- муҳандислик коммуникация тизимларини яратишда ва амалиётга татбиқ этишда, янги машиналар ва автоматлаштирилган тизимларни синовдан ўтказишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;

- мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

- муҳандислик коммуникациялари тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;

- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:

муҳандислик коммуникация тизимларини лойиҳалаш борасида тасаввурга эга бўлиши;

турар-жой, жамоат ва саноат бино ва иншоотларини иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти, сув таъминоти, газ таъминоти, вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимларини лойиҳалаш;

муҳандислик коммуникация тизимларини ва ускуналарини автоматлаштирилган лойиҳалашнинг стандарт воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблаш ва конструкциялаш;

лойиҳавий ва ишчи техник ҳужжатларини тайёрлаш, яқунланган лойиҳавий-конструкторлик ишларини расмийлаштириш;

ишлаб чиқилувчи лойиҳалар ва техник ҳужжатларни вазифалар, стандартлар, меъёрлар, техник шартлар ва бошқа ижро ҳужжатларига мувофиқ келишини таъминлаш

2. 60730400-Мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий-илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларни касбий фаолиятда қўллаш билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллаш билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ташкилий тузилмаларни оптимallasштириш, кадрларни бошқариш стратегиясини қўллаш, тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- музокаралар, учрашувлар, ишбилармонлик ёзишмаларини олиб бориш ва онлайн алоқаларни амалга оширишни билиш;
- муҳандислик коммуникация тизимларини жиҳозларини лойиҳалаш ва эксплуатацияси, ҳамда тизимдаги ишчи жараёнларни бошқариш кўникмаларига эга бўлиш;
- муҳандислик коммуникация тизимлари ва жиҳозлари муҳандислик ҳисобларини амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- стратегик таҳлил қилиш, рақобатдошликни таъминлашга қаратилган ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш кўникмаларига эга бўлиш;
- турар жой, жамоат ва саноат биноларида иссиқлик таъминоти, газ таъминоти, вентиляция ва ҳавони кондициялаш тизимларини лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш ва монтаж қилишни билиш;
- муҳандислик коммуникация тизимлари ва жиҳозларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни билиш;
- турар-жой, жамоат ва саноат биноларининг муҳандислик коммуникацияларида техник ҳужжатларни (ишларни бажариш графиклари, йўриқномалар, режалар, сметалар, материал ва жиҳозларга буюртмалар) тузишни билиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;
- илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- муҳандислик коммуникация тизимларининг фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- муҳандислик коммуникация тизимларини бошқаришда замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ технологик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқишни билиш;
- ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, иссиқлик таъминоти, газ таъминоти, вентиляция ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, оқова сувларни оқизиш, муҳандислик тизимларини лойихалаш, малака талаблари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, сифатни баҳолаш ва назорати, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, ималака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқариш, лойихалаш, илмий-тадқиқот жараёни.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Ректор  Р.Ҳакимов

202__ йил «__» _____



“Magnum Gas Project”

Директор  Б.Б.Исамухамедов

202__ йил «__» _____

М.Ў.



МЧЖ «AV GROUP ASIA» директори

Директор  А.В. Носков

202__ йил «__» _____

М.Ў.



КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш
маркази

Директор в.б.  М.Эсонов

202__ йил «__» _____

М.Ў.



“ТошкентбошпланЛТИ” ДУК

Директор  Р.С.Шарифов

202__ йил «__» _____



М.Ў.